

МЕЪМОРЛИҚДА ХОН ХАРАМЛАРИНИНГ ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**Бобоёрова Шахноза Розиковна**

Таянч докторант (Ўзбекистон) Тошкент архитектура-қурилиш институти

Тел.:(93) 435-10-65 e-mail: arx_shaxnoza85@mail.ru

Ушбу мақолада хон саройлари ва ҳарами, ҳарам сўзининг маъноси ва сайёҳларнинг фикри, Тошховли архитектура ёдгорлиги, Ситораи Моҳи Хоса мажмуаси ва ҳарами ҳақида ёритилган. Абдуллахон томонидан Чор Бакр мажмуасида дастлаб шаклланган, бироқ бугунги кунда йўқ бўлиб кетган Абдуллахон Харамсаройи тўғрисида, хон ҳарамларининг хос хусусиятлари бўйича фикрлар келтирилган.

Калит сўзлар: Харам, Тошховли саройи, Ситораи Моҳи Хоса мажмуаси, Чор Бакр мажмуаси, Харамсарой, услуб, боғ-сарой, мажмуа.

Жаҳон маданиятида бизнинг тарихий шаҳарларимиз ўзига хос қиёфаси, маданий мерос объектлари ва архитектура ёдгорликлари билан ажралиб туради. Шу билан бирга бугунги кунда минг-минглаб сайёҳларни ўзига жалб этиб келаётган архитектура ёдгорликларимизга бўлган эътибор каттадир.

Ўрта Осиё меъморчилигида ҳар бир даврнинг ва ҳар бир хонларнинг ўз ўрни ва аҳамияти бор бўлиб, уларнинг меъморчиликка бўлган таъсири катта бўлган. Тарихий шаҳарлардан бўлган Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қўқон ва шу каби шаҳарларда хонликлар ҳукмронлиги ва уларнинг меъморликка бўлган таъсири катта бўлган. Бухоро меъморлиги ҳам бошқа шаҳарлар каби даврлар ва хонликлар таъсири остида бўлган.

Эътиборимизни Бухорога қаратганлигимиз бежизга эмас. Бухоро хонлигида айнан Абдуллахон II даврида юзага келган хон саройлари ва ундаги ҳарамларга қаратмоқчимиз. Бунинг учун ҳарам ўзи нима ва унга бўлган муносабатни англамоғимиз лозим.

Хон саройларининг қурилиши давр ва ҳудудидан келиб чиқиб ўзига хос тарзда қурилган ва саройларда ҳарамнинг ўрни ҳамда аҳамиятига катта эътибор берилган. Ҳарам тушунчасини нима ва уни қандай талқин қилиш мумкин.

Ҳарам (арабча - ман қилинган ҳудуд, сахн, чегара) - биринчи маъноси мусулмонларда муқаддас деб ҳисобланадиган, қон тўкиш, қурол олиб юриш тақиқланадиган жой, Каъба атрофи тушинилади; иккинчи маъноси мусулмон мамлакатларида ҳукмдор, амалдор ва бойлар хонадонининг аёллар яшайдиган ички қисми; мажозий маънода мазкур хонадон соҳибининг хотин ва канизлари яшайдиган ҳудуд. Ҳарамга хонадон соҳиби ва унинг ўғилларидан бошқа эркакларнинг кириши ман қилинган, уни «ҳарам оғалари» (бичилган куллар) қўриқлаган. Учинчи маъноси Туркия, Эрон, Афғонистон, Араб мамлакатлари ҳамда Ўрта Осиёда ҳукмдорлар саройларида хотин ва канизаклар яшайдиган қисми тушинилади. XX-асрнинг 20-йилларидан бошлаб мусулмон

мамлакатларининг аксариятида кўп хотинлиликнинг ман этилиши натижасида Ҳарамлар деярли барҳам топган дейилган ислом энциклопедиясида.

Ҳарам ва ҳарамда яшовчи аёллар, уларга бўлган муносабат, ҳарам ҳаёти ҳақида сайёҳларнинг ҳам қизиқиши катта бўлган ва ўз фикрларини билдиришган. Жумладан 1863 йилда хонликда бўлган венгер сайёҳи ва тадқиқотчиси А.Вамберининг маълумотларига кўра, Хива хонлигидаги ҳар қандай аёл фақат зино ишлар қилгандагина оғир жазога, яъни ўлимга маҳкум қилинган. Бу ислом динида «ражм» деб аталади. Аммо зинони исбот қилиш жуда мураккаб бўлгани туфайли камдан-кам ҳолларда «ражм» жазоси қўлланилган. Демак, Хива хонлигида аёлларга муносабат, уларнинг жамиятда тутган ўрни масаласида исломий ахлоқ қонун-қоидаларига қатъий амал қилинган. Ҳатто Хива хони саройи, ҳарами аёлларига муносабатда ҳам айнан шундай йўл тутилган.

Вамберининг маълумотларига кўра, хон нафақат хонлиқнинг барча аҳолиси, балки, ўз хотинларининг ва канизакларининг ҳам мутлақ ҳукмдори бўлсада, уларга ниҳоятда мулойим муносабатда бўлган. Ҳарам ҳаётини баён этар экан, сайёҳ бу борада Хива хонлари бошқа Шарқ ҳукмдорларининг ҳаётидан фарқли равишда қатъий исломий ҳуқ-атвор қоидаларига амал қилишини, ахлоқий софликка интилишларини юқори баҳолайди.

Яна бир қизиқарли, адолатли фактни А.Вамбери илгари суради - Хива хони дастурхони ва ҳарам ҳаражатлари оддий фуқаролар дастурхони ва ҳаражатларидан кўп ҳам фарқ қилмаган. Буни хон ҳарами вазифасини бажарган иншоотларнинг тузилиши ва безалишидан ҳам кўришимиз мумкин. Хива хонларининг шаҳар ичкарасидаги ҳарами ва шаҳар ташқарисидаги сарой-боғларидаги ҳарамлари қурилиши, тузилиши ва безалишида ҳашамдорлик кўзга ташланмайди. Жумладан, Кўхна Аркдаги ҳарамда хон оиласи яшаган. Унинг ўзига хос хусусияти - туғруқхона мавжудлигида. Шаҳар ташқарисидаги хонлар дам оладиган боғ-саройлардаги ҳарамлар ҳам шундай бўлган.

Урганч давлат университети доценти Қудрат Машариповнинг мақоласида келтирилишича хулоса шуки, хонлик ислом давлати сифатида жамиятда аёлларнинг мавқеини юқори тутган. Аҳоли, ҳатто хон ҳам бошқа ислом давлатлари ҳукмдорларидан фарқли ўлароқ турмуш қуриш ёки оила муносабатларида ислом қоидаларига қатъий амал қилган. Бу мезон эса ортиқча ҳашамат, дабдаба ва исрофгарчиликларга йўл қўймаган.

Бугунги кунда бизгача сақланиб қолган хоннинг ҳарамларидан бири сифатида Хивадаги Тошҳовлини мисол қилиш мумкин.

Тошҳовли архитектура ёдгорлиги 1830-1838-йилларда Оллоқулихон (1794-1842й.) фармойишига кўра қурилган. Дастлаб ҳарам, кейин меҳмонхона ва арзхоналар бунёд қилинган. Тошҳовли маҳаллий қурилиш материаллари (мармар, пишган ғишт, ёғоч)дан фойдаланиб барпо этилган. Сарой 3 бўлимдан иборат- арзҳовли, ишрат ҳовли ва ҳарам.

Девор ва айвонлари сиркор сопол, шифтлар эса нақшлар билан безатилган. Деворлари кошнланган, ганч, ёғоч, тош ўймакорлиги, бўяма нақшлар билан безатилган. Саройда мавжуд 163 хонадан турли мақсадларда фойдаланилган [2, 64-бет].

Тошховли Ўрта Осиёнинг кўзга кўринган безакларга бой ва хилма хил бўлган монументал иншоот ҳисобланади. Сарой меъморчилигида монументал шакллар ва безаклар энгил ва фазовий муҳит ташкил этилган. Бино ғишдан икки қаватли қилиб қурилган бўлиб, плани икки қисмдан: яшаш қисми-тўртбурчак шаклдаги ҳарам ховлиси, қабулхона- расмий қабуллар учун Арзховли ва шахсий қабуллар учун Ишратхонага ажратилган. Ҳар бир ховлининг ўзини хизмат кўрсатиш хоналарига эга бўлиб, ховлига кириш қисми ғарбда Арзховли дарвозаси, жанубда Ишратховли, шарқда ҳарамнинг кичик эшиги бор. Сарой таркибида икки турдаги айвонлар қарама қарши тарзда қурилган. Ховлининг жануб томонида бир устунли баланд айвонлар икки қаватли баландликка эга, доимо сояли бўлиб шимолга қараган. Иккинчи қаватдаги паст айвон галериялари орқали ховлининг ҳар уч томонига ўтиш имконини беради. Баланд қилиб қурилган айвоннинг мармар асосли баланд устунлари ва иккинчи қаватдаги калта устунлар ўйма билан қопланган. Саройнинг энг мухташам хоналари баланд айвонларга туташган, қабулхонада-хоннинг тахт зали, ҳарамда-тўрт хонликнинг хотинлари ва хоннинг ўзига тегишли хоналар жойлашган [3, 338-бет].

Анча кенг ҳарам ховлисига пешайвондан кирилади. Ховли тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, ғарбий-шарқ томонга биров чўзилган кўринади. Ҳолининг жануб қисмида хоннинг тўрт хотинига бир хилда биттадан пешайвон қурилган. Шарқ томондаги серхашам бешинчи пешайвон эса хоннинг қароргоҳи бўлган. Айвондан уй ва қазнокқа эшик бор. Икки қаватли уйларда хоннинг қариндошлари истиқомат қилишган [4, 4-бет]. Ҳар иккита айвонга 1та умумий долон қурилган. Хон айвондан меҳмонхонага ва арзхонага ўтиш учун алоҳида долон бор. Ҳарамнинг уйлари серхашам безатилганки, халқ усталарининг нақш бериш соҳасидаги эришган ютуқлари шу хоналарда тўла ифодаланган, деса бўлади. Ёғоч ўймакорлиги жуда нафис ишланган [4, 4-бет]. Устунларга ажойиб ўймакор гуллар, шипларга қизғиш-жигар ранг бўёқ бериб, бўртма гириҳ ва ҳавзак солинган. Мармар курсилардаги ва темир панжаралардаги жимжима ўймакорликда халқ меъморларининг энг мукамал санъати ўз ифодасини топган.

Ҳарам қадимги Хоразм кўрғонидаги Ичан ховлининг ичкарисига тузилишга тақлид қилиб қурилган. Пландан ҳам кўриниб турибдики, меҳмонхонага ҳарамдан беосита йўл ўтган. Квадрат шаклдаги бу ховлининг чор атрофида хона ва пешайвонлар бўлган [4, 5-бет].

Ичанқалъанинг ғарбий дарвозасида, шаҳар девори бўйлаб иккинчи хоннинг қароргоҳи Кўҳна Арк мажмуаси жойлашган. Сарой расмий вазифалар учун мўлжалланган бўлиб-офис, арсенал, зарбхона ва сарой масжиди тўпланган. “Кўҳна”-“эски” номи, унинг бинолари XVII-аср бинолари ўрнида қурилган, XVIII аср муаммолари пайтида вайрон

бўлган. Унинг тикланиши 1804-1806 йилларда бошланган, лекин асосий бинолар Оллоқулихон пайтида, ҳарам эса XX-асрга қадар қуриб битказилган.

Тош девор билан ўралган Кўҳна Арк ҳудуди 4 та ҳовлига бўлинган. Биринчи турар-жой бинолари ва қўшимча бинолар; унинг пастида ғишт билан қопланган кичик ҳовли бор, у ерда Кўринишхонанинг қабулхонаси; дарвоза ўнг томонида масжид ёзги айвони ва зарбхона билан тўсилган; шимолда ҳарам жойлашган. Кўҳна Арк бинолари лойиҳалаш ва амалга оширишда Тошҳовлидан анча паст. Пишган ғишдан фақат Кўринишхона бинолари, масжид ва зарбхона қурилган [3, 338-бет].

Бухоро амирлигида юзага келган саройларни кўриб чиқадиган бўлсак. Бугунга қадар бизгача сақланиб келинган хон саройдаридан Ситораи Моҳи Хоса меъморий мажмуасига эътиборимизни қаратсак. Бухоронинг охириги юз йиллик боғ-саройлари архитектурасида Европага хос қурилиш маданияти ўз аксини топган. Ситораи Моҳи Хоса боғ-саройлар архитектурасида турли даврлар ва ўлкаларга хос боғ-паркчилик маданияти ўзаро қўшилиб кетган ва Ўрта Осиёга хос чорбоғ услубидаги меъморий мажмуа ҳисобланади [5, 27-бет].

Бухоро шаҳрининг шимолий томонида амирликнинг ёзги қароргоҳи, саройи барпо этилган. Сарой манғитлар сулоласи саройи бўлиб, дастлаб амир Насрулло (1826-1860й.) ҳукмронлиги даврида қурилган. Бироқ бу ерда сарой ва ҳушманзара боғ барпо этиш амир Абдулаҳадхон ҳукмронлиги даврида (1885-1910й) бошланган. Амир Олимхон ҳукмронлиги даврида (1910-1920й) янги сарой тикланган ва шу даврдан бошлаб сарой мажмуаси эски ва янги саройларга ажратилган [2, 60-бет].

Эски сарой уч ҳовлидан ва кўпгина хоналари мавжуд. Бу ердаги энг эски хона Музаффархон меҳмонхонаси (1860-1885й) кенг ва баланд зал, икки томонидаги болохонали айвонлар, европача эшик ва деразалар билан ажралиб туради [2, 61-бет].

Амир Олимхон даврида қурилган саройнинг умумий майдони 6,7 гектарни ташкил қилиб, унда меҳмонхона, қабулхона, ётоқхона, ҳарамхона, кўшк, масжид ва филхоналар бўлган. Сарой эни 3 м, баландлиги 6м келадиган қалъа девор билан ўралган ва шимолдан расмий кириш жойи ўймакор дарвоза ҳамда жанубда сарой юмушлари учун кириб-чиқиладиган дарвоза бўлган. Сарой ичкараси ҳашаматли қурилган бўлиб, ҳовли ташқи ҳамда ички қисмларга ажратилган.

Сарой хоналари вазифасига кўра ўзига хос тарзда қурилган ва безатилган. Саройнинг шимолий-шарқий қисмида амирнинг шахсий ҳаётига алоқадор яна бир иншоот икки қаватли ҳарам биноси бўлиб, ғарбида ҳарам хизматкорлари учун кичик ҳовли жойлашган. Майдони 22,9 м га 27,7 м ни ташкил қилиб, икки қаватли ярим доира шаклда ички ҳовлига қаратиб қурилган. Ҳарам биноси мажмуанинг ажралмас қисми бўлиб, Европа ва Исфакхон ҳамда Бухоро қурилиш меъморчилигини энг яхши жиҳатлари уйғунлашган ҳолда қурилган. Ҳарам биносининг ичкарасида унча катта бўлмаган кичикроқ ҳовли мавжуд. Ҳовли ўртасида 12 бурчакли диаметри 5,3 м бўлган

ховуз жолашган. Ҳовлининг жанубий қисмида баландлиги 1,20 м бўлган суфа бўлиб, 2та зинапоя билан чиқилади. Ҳарам биносининг уч томони: шарқ, шимол, ғарб томонлари 2 қаватли чўпқори, жануб томон биноси эса бир қаватли ва уч томон бинолари билан баробар баланд қилиб ғиштдан ишланган [6, 51-бет].

Умуман олганда ушбу саройда ҳар бир хон ўзининг таъсирини яққол намоён этган. Саройда ҳарамнинг ўрнига алоҳида эътибор берилган.

Яна бир саройлардан бири Бухородаги Чор Бакр мажмуаси ёнида Абдуллахон II томонидан барпо этилган катта боғ ва Ҳарамсарой тўғрисида фикр юритамиз.

Чор Бакр мажмуасида XVI асрга оид Абдуллахон томонидан қурдирилган масжид, хонақоҳ, мадраса билан биргаликда хоннинг Ҳарамсаройи бўлган. У бугунги кунда йўқ бўлиб кетган саройлардан бири бўлиб, сарой хонақоҳнинг тўрисида, мажмуанинг рўпарасида тахминан 150 м масофада шарқ томонда жойлашган. Абдуллахон Сумитаннинг баҳаво жой эканлиги боис ҳар хил мевали ва манзарали дарахтлар экиб, шифобахш булоқлари бўлган шинам ва кўркам бир боғ яратган.

“Ҳарамсарой” махсус оромгоҳ, маҳрам жой демакдир. Ҳарамсаройда фақат подшоҳнинг хос одамлари аҳли аёли яшаган. Хон чоршанба ва шанба кунларини аёлларининг зиёрат куни деб эълон қилиб, шу куни шаҳардан то Сумитангача бўлган йўлнинг икки томонида соқчилар қўйиш одат тусига кирган. Ҳарамсаройнинг шарқ томонидаги бошланиш девори ёнида “Кавшкашон” жойи бўлган. Зиёратга келувчилар отларини шу ерга қўйиб, ковушларини ечиб, қадамжогача пиёда кетганлар [7, 81-бет]. Ҳарамсарой меъморлиги ўзига хос тарзда қурилган. Бино боғнинг ўртасида жойлашган бўлиб, икки қаватли чордара шаклда қурилган. Тўрт тарафидан эшиклар шамол орқали гуллар ифори таралиб турган. Бино рўпарасида ҳовуз, ёнида супа ва ариқ лабларида олма дарахтлари экилган. Саройнинг ташқи ва ички томонлари нақши кундал безаги билан безалган [9, 82-бет].

Ҳарамсарой атрофи 7 қават кунгирадор девор билан ўралган ва дарахтлар экилган ҳамда боғ ичида турли хил мевали дарахтлар экилган. Чордара атрофидаги ерларда “чаҳорчаман” усулида боғ қилинган. Боғда анор, беҳи, шафтоли ва нокзор бўлган бўлиб, чаҳорчамандан сўнг гулбоғчалар бошланган. Гулбоғчада ҳушбўй-нафис гуллар кетма-кетликда очиладиган гуллар экилган. [7, 82-бет].

Мажмуанинг дастлабки биноларидан бўлган ушбу боғ-сарой бугунги кунда бизгача етиб келмаганлигига сабаб, боғда суғориш ишлари натижасида тез емирилиб, нураб кетиши ҳамда бино пойдевори унчалик чуқур, қалин ва кенг эмаслиги сабаб бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган ҳар бир хон ўз даврига хос бўлган услублар билан меъморликка ўз таъсирини кўрсатган. Хон саройлари, боғ-саройлар қурилишида ҳам алоҳида эътибор билан ёндошилган.

Саройларда вазифасига қараб хоналарнинг жойлашуви, қандай хоналардан ташкил топиши жиҳатадан айрим саройларда қандайдир ўхшашликни ҳам кузатиш мумкин.

Мисол тариқасида биз кўриб чиққан саройларга эътибор қаратсак, Тошховли ёки Кўҳна Аркда хон ҳарамининг жойлашуви деярли бир хил. яъни саройнинг шимол ёки шимолий-шарқ қисмида жойлашганлигини кузатиш мумкин. Бу ҳам қайсидир маънода ўзига хос хусусиятлардан бири саналади. Иқлим шароити жиҳатидан Хоразм воҳаси бошқа ҳудудларга нисбатан фарқ қилади. Балки шу нуқтаи назардан шамол йўналишига қараб айвон типига биноларнинг жойлашув ориентацияси шундай ҳолатни тақозо этгандир. Бироқ Бухородаги Ситораи Моҳи Хоса боғ-саройида ҳам сарой ҳарами айнан шундай ҳолатда яъни шимолий шарқ қисмида жойлашганлигини кўриш мумкин. Шу билан бирга биз ўрганаётган Абдуллахон Харамсаройи ҳам Чор Бакр мажмуасига нисбатан шимолий-шарқ қисмида боғ-сарой сифатида шаклланганлигига эътибор бердик.

Саройларда хоналар жойлашуви бир қанча ҳовлиларга бўлиниши ўзбекона миллийликдан келиб чиқиб, ички ва ташқи ҳовлиларга ажратилишини ҳам ўзига хос хусусиятлардан бири саналади десак бўлади. Шу боисдан ўрганилаётган Абдуллахон Харамсаройи ҳам ички ва ташқи ҳовлиларга ажратилган бўлиши мумкин. Бугунги кунда бу сарой бизгача сақланиб қолмаган.

АДАБИЁТЛАР

1. Бухоро Шарқ дурдонаси. Т.: 1997 й. 98-бет.
2. Ўрта Осиёда палеография, эпиграфика ва меъморчилик тарихи” Наманган 2019 й. 60-61-64-бетлар.
3. “Всеобщая история архитектура” 8 том. 338-стр.
4. Ноткин И.И. Дворец Таш-Хали. (Хива). Т.:1968. 4-5 ст.
5. Ўралов А.С. Ўрта Осиё анъанавий “Чорбоғ” услуби ва замонавий боғ-парк санъати. Т.: 2012 й. 27-бет.
6. Жумаева Н. Ситораи Моҳи Хоса бўйлаб. Т.: 2020 й. 51-бет.
7. Хусенов С., Ражабова И. Чор Бакр. Т.: 2001 й. 81-82-бетлар.

Интернет маълумотлари

1. <http://welcomeuzbekistan.uz/ru/dostoprimechatelnosti/dostoprime-horezm/809-tash-hauli.html>
2. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Buxara>
3. <https://meros.uz/object/Chor-Bakr>

Тел.:(93) 435-10-65

e-mail: arx_shaxnoza85@mail.ru